*БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 3
11 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА 1954 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

САЙЛОВЧИЛАР КОММУНИСТЛАР БЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ КАНДИДАТЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШ БЛАН КОММУНИСТИК ПАРТИЯНИНГ СИЕСАТИ УЧУН, ПАРТИЯ ТОМОНИДАН ҚУЙИЛГАН ВАЗИФАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ УЧУН — СОЦИАЛИСТИК САНОАТИМИЗНИ ЯНАДА ЯШНАТИШ ВА ҚИШЛОҚ ХУЖАЛИГИНИ КЕСКИН СУРАТДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН, ХАЛҚНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИ ТУХТОВСИЗ ОШИРИШ УЧУН, СОЦИАЛИСТИК ДАВЛАТИМИЗНИНГ КУЧ ВА ҚУДРАТИНИ ҲАРТОМОНЛАМА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН ВА БУ ДАВЛАТНИНГ ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШ ҲАМДА МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН, МАМЛАКАТИМИЗДА КОММУНИСТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ УЧУН ОЛИБ БОРАЕТГАН ҚУРАШИДА ЯНГИДАН-ЯНГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИШИ УЧУН ОВОЗ БЕРГАН БУЛАДИЛАР.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Мурожаатидан).

## Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг

*барча сайловчиларга, ишчиларга, деҳқонларга, совет интеллигенциясига, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларига*

# МУРОЖААТИ

Уртоқлар!

Совет халқи 1954 йил 14 мартда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Советига депутатлар сайлайди.

Бизнинг мамлакатимиз ана шу буюк воқиани ўз кучлари гуллаб-яшнаган, экономика ва маданият мавж уриб юксалган бир вазиятда кутиб олмоқда.

Уруш даврида немис-фашист босқинчилари томонидан вайрон қилинган саноат корхоналари, шаҳар ва қишлоқларнинг тикланганлиги совет халқининг жуда буюк ютуғидир. Неча юзлаб завод ва фабрикалар, неча ўнлаб шаҳарлар, неча минглаб қишлоқлар душман томонидан харобага айлантирилган эди, миллионларча кишилар бошпанасиз бўлиб қолган эди. Орадан атиги бирнечагина йил ўтди. Янгидан вужудга келтирилган ва энг янги техника блан та'минланган саноат корхоналари яна социалистик индустрия сафига ўтди; душман томонидан ёндирилган ва вайрон қилинган шаҳар ҳамда қишлоқлар тикланди; кўп районларнинг аҳолиси яшаган ертўлалар бузиб ташланди. Бу районларнинг аҳолиси учун янги, обод уй-жойлар қурилди. Буларнинг ҳаммаси ғоят зўр бериб ишлашни, кўп куч ва маблағ сарф қилишни талаб этар эди, бу ишлар қилинди! Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг темирдек мустаҳкам иродаси, халқимизнинг фидокорона, қаҳрамонона меҳнати барча қийинчиликларни енгди, совет тузумининг буюк ҳаётий кучга эга эканлигини яна ва яна исбот этди.

Совет халқи ўзининг тинч меҳнати блан урушгача эришган ва уруш тўхтатиб қўйган иқтисодий марраларини тез ва тўхтовсиз олға қараб қилган ҳаракати натижасида жуда орқада қолдирди. СССР Олий Советининг кейинги сайлови 1950 йилда — тўртинчи (урушдан кейинги биринчи) бешйилликнинг охирги йилида ўтказилган эди. Совет кишилари бу бешйилликни муваффақиятли тугаллаб, Коммунистик партия бошчилигида янги, бешинчи бешйиллик топшириқларини амалга ошириш учун куч ва меҳнатларини аямаётирлар. СССРда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1953 йилдаёқ урушдан аввалги 1940 йилдагидан икки ярим марта ошди.

Оғир саноат тинч экономикамизни яшнатиш негизи, мамлакат мудофаа қувватининг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Партия урушдан илгариёқ халқ хўжалигини социалистик негизда реконструкциялашни амалга ошириб ва мамлакатни актив мудофаага тайёрлаб, биринчи даражали қудратли оғир индустрияни вужудга келтирди. Урушдан кейинги йилларда оғир саноатни ривожлантиришда янги, катта муваффақиятларга эришилди. 1953 йилда СССРда 38 миллион тонна, я'ни 1940 йилдагидан икки марта кўп пўлат ишлаб чиқарилди; 320 миллион тонна, я'ни 1940 йилдагидан икки марта кўп кўмир қазиб чиқарилди, 52 миллион тонна, я'ни 1940 йилдагидан 70 процент кўп нефть чиқарилди; 133 миллиард киловатт-соат электр қуввати, я'ни 1940 йилдагидан 2,8 марта кўпроқ электр қуввати ишлаб чиқарилди. Индустриямизнинг юраги бўлган совет машинасозлиги жуда тез ўсмоқда ва ривожланмоқда: 1953 йилда урушдан аввалги 1940 йилдагидан 3,8 марта кўпроқ машина ва ускуналар ишлаб чиқарилди.

Транспортни ривожлантириш ва қурилиш ишларида катта муваффақиятлар қўлга киритилди. Бепоён мамлакатимизнинг темир йўлларида, денгиз, дар'ёлари ва каналларида, тош йўлларида юк обороти йил сайин кўпаймоқда. Эндиликда транспортнинг барча турлари қудратли техника базасига эгадир. Саноат, қишлоқ хўжалик корхоналари, маданий-маиший корхоналар ва муассаса ҳамда уй-жойлар қуриш ишлари ҳажми йил сайин кенгаймоқда. Бинокорлик ташкилотлари ғоят унумли ишлайдиган машина ҳамда механизмлар блан та'минланди.

Оғир саноатни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар халқ исте'мол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кескин суратда ошириш учун шароит вужудга келтирди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати икки-уч йил ичида мамлакат аҳолисининг кўп исте'мол қилинадиган озиқ-овқат ва саноат моллари блан та'минланишини анча ошириш мақсадида енгил ва озиқ-овқат саноатини тез ривожлантиришнинг кенг программасини белгиладилар. Бу программа тўхтовсиз амалга оширилмоқда. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари партия ва ҳукумат томонидан амалга оширилаётган тадбирларнинг дастлабки натижаларини ҳозирданоқ яққол кўриб турибдилар. 1953 йилда, айниқса йилнинг иккинчи ярмида халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган саноат тормоқлари 1952 йилдагига нисбатан ғоят тез сур'атлар блан ривожланди. 1952 йилда ана шу маҳсулотлар 10,5 процент ортган бўлса, 1953 йилнинг иккинчи ярмидаёқ 14 процентга кўпайди. Ҳозирги вақтда неча юзларча тўқимачилик ва кўн-пойафзал фабрикалари, шунингдек озиқ-овқат саноати корхоналари қурилабошлади. 1953 йилнинг ўзидагина халқ исте'моли моллари ишлаб чиқарадиган 300 га яқин янги корхона ишга туширилди. Енгил ва озиқ-овқат саноатининг мавжуд корхоналари кенгайтирилмоқда ва уларда энг янги машина-асбоблар ўрнатилмоқда.

Партия социалистик саноатни бундан буён ҳам ҳартомонлама ривожлантиришни ўз олдига вазифа қилиб қўйиб, саноатимизда яшириниб ётган ички резервларни топиш ва улардан фойдаланиш учун бутун чораларни кўрмоқда. Бизда план топшириқларини бажармаётган қолоқ корхоналар ва ҳатто саноатнинг бутун-бутун тормоқлари ҳали бор. Кўп ҳолларда энг бой янги техникадан яхши фойдаланилмайди, машина-асбоблар кўп вақт бекор туради. Маҳсулотнинг сифатига ҳали ҳам етарли э'тибор берилмаётир. Меҳнат унумини ошириш ва маҳсулотнинг таннархини камайтириш юзасидан берилган топшириқларни бажармаётган корхоналар оз эмас. Кўпгина корхоналарда ишлаб-чиқариш майдонидан фойдаланишда хўжасизлик ва исрофгарликка йўл қўйилмоқда. Хўжалик раҳбарларимиз орасида эскиликка, даври ўтиб кетган нарсаларга ёпишиб олаётган ва илғорлик, прогрессивликни ҳартомонлама қўлланишни, ишлаб чиқариш новаторларини актив суратда қўллаб-қувватлашни ўз бурчи деб ҳисобламаётган қолоқ, нўноқ кишилар ҳали ҳам бор. Бу камчиликларнинг ҳаммасини йўқотиш, қолоқ корхоналарни илғорлар даражасига кўтариш — саноатимизнинг талайгина ички резервларини ишга солиш ва бу блан саноатдаги барча тормоқларнинг янада зўр бериб ривожланишини та'минлаш демакдир.

Коммунистик партия бизнинг шонли ишчилар синфимиз ва ўсган, тажрибали инженер-техник ходимларимиз саноат, транспорт ва қурилиш олдида турган янги, ғоят катта вазифаларни ҳал этиш учун меҳнат унумини янада ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва сифатини яхшилаш учун, барча маблағ ҳамда имкониятларимиздан тежаб-тергаб ва оқилона фойдаланиш учун социалистик мусобақани янада кенг ривожлантирадилар, деб қаттиқ ишонади.

Бизнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида катта муваффақиятларга эришди. Уруш даврида вайрон бўлган колхозлар, машина-трактор станциялари ва совхозлар тамомила тикланди. Экин майдонларининг ҳажми ва асосий қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили жиҳатидан урушдан аввалги даражага эришибгина қолмай, бу даражадан ўзиб ҳам кетилди. Аммо, партия қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда шубҳасиз эришилган катта муваффақиятларни эмас, балки меҳнаткашларнинг тўхтовсиз ўсиб бораётган моддий эҳтиёжларини ҳисобга олиб иш кўради. Қишлоқ хўжалигини бундан буён ҳам кескин сур'атда ривожлантирмай туриб, озиқ-овқат фаровонлигини тўла та'минлаш ва тез ўсиб бораётган енгил ҳамда озиқ-овқат саноатимизни хомаш'ё блан тўла та'минлаш мумкин эмас. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорида ва партия ҳамда ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик масалалари ҳақида чиқарган кейинги қарорларида социалистик қишлоқ хўжалигининг барча тормоқларини, биринчи галда, чорвачиликни тез ривожлантириш ва картошка ҳамда сабзавот етиштиришни кўпайтириш юзасидан жанговар, конкрет программа ишлаб чиқилди. Бу программани амалга ошириш — бутун партиянинг, бутун совет халқининг жуда муҳим ишидир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан буён ярим йил ўтди. Бу унча катта муддат эмас. Аммо, ана шу қисқа вақт ичида ҳам кўп иш қилинди. Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси тобора ўсди ва мустаҳкамланди. 1953 йилда қишлоқ хўжалиги умумий ишларни бажарадиган 139 минг трактор (15 от кучидаги трактор ҳисобида), 18 минг чопиқ тракторлари, 41 минг ғалла комбайни, 69 минг юк автомобили, ерни ишлайдиган икки миллиондан ортиқ асбоб, экиш, ҳосилни йиғиштириб олиш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, олти миллион тонна минерал ўғит олди. Ҳозирги вақтда бутун гап кучли техникадан тўғри ва унумли фойдаланишда қолган. Партия кадрларнинг ҳал қилучи аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, колхозларга хизмат кўрсатиш учун машина-трактор станцияларига машина-трактор паркидан тўғри фойдаланишни уюштираоладиган 100 мингдан ортиқ агроном ва зоотехник, жуда кўп инженер ва техник юборди.

Аммо, партия буларнинг ҳаммасини қишлоқ хўжалигини кескин сур'атда ривожлантиришдаги буюк умумхалқ ишида дастлабки қадамларгинадир, деб ҳисоблайди. МТС, колхоз ва совхозларимизнинг ишларида ҳали камчиликлар жуда кўп, фойдаланилмаётган резервлар оз эмас. Масалан, мамлакатнинг шарқий, шарқи-жанубий районларида ва бошқа районларда қўриқ ва партов ерларни ўзлаштириш йўли блангина дон экинлари майдонини бирнеча миллион гектар кенгайтириш имкониятига эга эканлигимизни айтиб ўтиш кифоядир. Партия ва ҳукумат ана шу ишга киришди. Бу иш жуда катта аҳамиятга эгадир. Дон хўжалиги бутун қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосидир: биз нечоғлик кўп дон етиштирсак, ғаллагина эмас, балки гўшт, ёғ ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ҳам шуқадар кўп бўлади.

Коммунистик партия қаттиқ ишонч билдириб айтадики, шонли колхозчи деҳқонларимиз, машина-трактор станциялари ва совхозларнинг ходимлари социалистик қишлоқ хўжалигининг барча резервларини қисқа вақт ичида ишга солиш, қолоқ район ва колхозларни илғорлар даражасига кўтариш мақсадида, ҳеч мустасносиз барча колхозларни яшнатиш, барча колхозчиларни ҳарнарсага ёлчиган бадавлат кишиларга айлантириш, мамлакатимизда шаҳарларнинг ортиб бораётган аҳолиси учун барча озиқ-овқат маҳсулотларини, енгил саноат учун керакли хомаш'ёнинг ҳамма хилларини мўл-кўл қилишни та'минлайдиган даражада ҳосилнинг ва чорвачилик маҳсулдорлигининг умумий кўтарилишига эришиш мақсадида ўзларининг бутун кучларини сафарбар қиладилар.

Коммунистик партия бутун ижтимоий ишлабчиқаришнинг — саноат ишлабчиқаришининг ҳам, қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ҳам тўхтовсиз ўсиши учун курашиб, қандай мақсадни кўзда тутади? Бу мақсад — совет халқининг фаровонлигини тобора тўхтовсиз оширишдан, унинг доимо ўсиб бораётган моддий ва маданий эҳтиёжларини тўла қондиришдан иборатдир. Ана шу мақсадни оғишмай амалга ошириш — партия ва ҳукуматнинг бутун фаолияти учун олий қонун, коммунистик қурилиш программасининг энг муҳим таркибий қисмидир. Биз, завод-фабрикаларни, электростанцияларни қурмоқдамиз ва кенгайтирмоқдамиз, янги темир йўл магистральларини қурмоқдамиз, колхозларни мустаҳкамламоқдамиз, қишлоқ хўжалигини энг янги, энг илғор техника блан та'минламоқдамиз, ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг — барча совет кишиларининг провардида яхши яшаши учун, халқимизнинг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси йил сайин, кун сайин ортабориши учун жуда кўп маблағларни ана шу ишларга сарф қилмоқдамиз.

Мамлакатимиз экономикасининг умумий юксалиши асосида меҳнаткашларнинг даромадлари тўхтовсиз кўпаймоқда. Ишчилар ва хизматчиларнинг реал ишҳақи тобора ортмоқда. Бизда саноат ва озиқ-овқат молларининг давлат чакана нархлари системали суратда, йил сайин камайтирилмоқда. Давлат бюджетидан аҳолига бериладиган енгиллик ва тўловлар, чунончи: социал страхование ва социал-та'минот бўйича бериладиган нафақа ҳамда пенсиялар, кўпболали ва болали ёлғиз оналарга бериладиган нафақалар, бепул медицина ёрдами, текин ўқиш, малакани ошириш ва шу сингариларга чиқарилаётган маблағлар кўпайтирилмоқда. Ишчи ва хизматчиларнинг пул ва реал ишҳақи ортиши блан бирга, деҳқонларнинг даромадлари ҳам кўпаймоқда. 1953 йилда қишлоқ хўжалик солиғи ва колхозчилар шахсий хўжалигининг мажбурий тартибда маҳсулот етказиб бериш нормалари камайтирилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг талайгина қисмини тайёрлаш ва сотиб олиш баҳолари оширилди. Утган йиллардаги қишлоқ хўжалик солиғи бўйича қолган боқимондалар колхозчилар зиммасидан тамомила олиб ташланди, давлатга чорвачилик маҳсулотлари ва картошка етказиб бериш юзасидан ўтган йиллар учун қолган қарзлар бекор қилинди. Колхозларнинг картошка ва сабзавот етказиб бериш юзасидан ўтган йиллар учун бўлган қарзлари уларнинг зиммасидан олиб ташланди. Буларнинг ҳаммаси колхозчи деҳқонлар моддий фаровонлигининг ўсишига ёрдам берди. Колхозлар ва колхозчиларни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш чоралари, шунингдек солиқ сиёсати соҳасидаги тадбирлар амалга оширилиши натижасидагина 1953 йилда колхозлар ва колхозчиларнинг даромадлари 13 миллиард сўмдан ортиқроқ кўпайди.

Мол обороти системали суратда кенгайтирилмоқда. 1953 йилда савдо ташкилотлари йиллик планга қўшимча равишда яна 33 миллиард сўмлик мол олдилар. 1953 йилда давлат ва кооператив савдоси йўли блангина аҳолига 1952 йилдагидан 21 процент кўпроқ мол сотилди. Гўшт, ёғ, пишлоқ, қанд, сабзавот каби маҳсулотлар, шойи газлама, тайёр кийим, кўн пойафзал, мебель, тикув машиналари, соат, патефон, радиоприёмник, телевизор, велосипед, мотоцикл ва енгил автомобиллар каби моллар айниқса кўп сотилди. Партия ва ҳукумат кўп исте'мол қилинадиган моллар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтириб, магазинларни ва бошқа савдо корхоналарини кўпайтириш ҳамда кенгайтириш чораларини кўрмоқдалар. Коммунистик партия совет савдосини уюштириш ва исте'молчиларга хизмат кўрсатишни кескин суратда яхшилашни, икки-уч йилдан кейин ҳарбир шаҳарда ва ҳарбир қишлоқ районида совет кишиларининг ўзларига керакли ҳамма молларни сотиб олабилишларини та'минлайдиган аҳволга эришишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Бу вазифа шубҳасиз амалга оширилади.

Коммунистик партия меҳнаткашлар учун уй-жой қурилишига доим катта э'тибор бериб келмоқда. Бизда уй-жойлар ҳали етишмайди. Бунинг сабаби ма'лум: саноатнинг тўхтовсиз ўсаётганлиги натижасида шаҳарлар ва саноат марказларининг аҳолиси йил сайин кўпаймоқда. Урушдан кейинги дастлабки йилларда, биринчи галда, илгари оккупация қилинган районларда душман томонидан ёндирилган шаҳарларни, ишчи посёлкаларини ва қишлоқларни тиклаш керак эди. Ана шу районлардаги миллионларча кишилар бошпанасиз қолиб, ертўлаларда яшар эдилар. Қуйидаги рақамлар мамлакатимизда уй-жой қурилиши соҳасида қандай ишлар қилинганлигини ва қандай ишлар қилинаётганлигини кўрсатади: урушдан кейинги йилларда шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида ишчилар ва хизматчилар учун 183 миллион квадратметрдан ортиқ ҳажмда уй-жой қурилди, қишлоқ жойларда эса, колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси учун тўрт миллиондан ортиқроқ уй қурилди. Совет ҳукумати уй-жой қурилишига чиқарилаётган маблағларни тобора кўпайтирмоқда. Утган йили шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг аҳолиси 28 миллион квадратметрдан ортиқ ҳажмда уй-жойга, колхозчилар ва қишлоқ интеллигенцияси эса 400 мингдан ортиқ янги уй-жойга эга бўлдилар. Кўп иш қилинди. Аммо, бундан эришилган муваффақиятлар блан қаноатланиб қолиш мумкин экан, деган хулосани чиқариб бўлмайди. 1954 йилда ва бундан кейинги йилларда уй-жой қурилиши янада кенг миқ'ёсда олиб борилиши керак. Коммунистик партия меҳнаткашларнинг уй-жой шароитини яхшилаш учун сабот ва изчиллик блан иш кўради.

Ҳаммаерда — мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида мактаблар, касалхоналар, болалар муассасалари ва маданий муассасалар қурилмоқда. 1953 йилда маданий-маиший қурилиш ишларига чиқарилган капитал маблағ ҳажми 1952 йилдагига нисбатан 22 процент ортди. Соғлиқни сақлаш, шаҳарларни ва ишчи посёлкаларини обод қилиш, касалхона, туғруқхоналар, диспансерлар, меҳнаткашлар учун санатория ва дам олиш уйларини кенгайтириш, аҳолига медицина хизмати ва маиший хизматни яхшилашга давлат томонидан сарфланадиган маблағ миқдори йил сайин кўпайтирилмоқда ва бундан кейин ҳам кўпайтирилади.

Коммунистик партия бундан буён ҳам халқнинг турмушини тобора яхшилаш учун тинмай кураш олиб боради, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ошириш юзасидан ўзи белгилаган программани қат'ият ва изчиллик блан амалга оширади. Партия бу ишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади.

Партия социалистик маданиятни яшнатиш тўғрисида, халқимизнинг ма'навий бойликларини кўпайтириш тўғрисида, халқ маорифи, фан, адабиёт, сан'атни янада юксалтириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда. Коммунистик партия барча ишчилар ва барча деҳқонларни маданий ҳамда билимли кишилар қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Бизнинг мамлакатимизда умумий мажбурий еттийиллик та'лим амалга оширилди. Бешинчи бешйилликнинг охирига келганда иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида, область, ўлка ва йирик саноат марказларида умумий ўрта та'лимга ўтиш тугалланади. Бунинг натижасида келгуси бешйилликда мамлакатнинг ҳамма қисмида умумий ўрта та'лим амалга оширилади. Халқ маорифига йил сайин кўп маблағ сарф қилинмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳозирги вақтда 57 миллиондан ортиқ киши ўқишнинг ҳамма турларига жалб этилган. Олий ўқув юртлари ва техникумлардагина уч миллиондан ортиқ киши ўқимоқда.

Илғор совет фанининг яшнашини ва тобора тўхтовсиз ривожланишини та'минлашни партия ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири деб билади. Олимларимизнинг самарали ижодий меҳнат қилишлари учун бутун шароит яратиб берилган. Бизнинг олимларимиз билимнинг ҳамма соҳаларида фанни бирқанча жуда йирик кашфиётлар блан бойитдилар. Улар атом энергиясини ҳосил қилиш методларини эгалладилар ва бу блан Америка Қўшма Штатларининг шу соҳадаги монополиясига хотима бердилар. Ватанимиздаги жуда кўп табиий ресурслардан халқнинг манфаатлари учун фойдаланиш соҳасидаги кўп вазифалар муваффақиятли суратда ҳал этилмоқда. Бу ишларнинг ҳаммаси шубҳасиз амалга оширилмоқда. Аммо, шу блан бирга, совет фани олдида ҳали ҳал этилмаган кўпгина вазифалар, биринчи галда, қишлоқ хўжалигини янада тез ривожлантириш соҳасидаги вазифалар турибди. Партия совет олимларини ана шу вазифаларни ҳал этишга чақириб, фан блан практиканинг ижодий ҳамкорлиги ва маҳкам алоқасини ҳартомонлама мустаҳкамлайди ва кенгайтиради, фаннинг барча энг янги ютуқларидан саноат, қишлоқ хўжалиги учун, халқимизнинг турмушини тўхтовсиз яхшилаш учун фойдаланиш чораларини кўради.

Совет социалистик тузуми мамлакатимизнинг экономикаси ва маданиятини янада зўр бериб ривожлантириш учун, халқнинг фаровонлигини тўхтовсиз ошириш учун жуда катта, ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас имкониятлар беради. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятининг бундан буён ҳам ҳартомонлама тараққий этишини, мамлакатдаги ишлаб чиқариш кучларининг тўхтовсиз ва тез ривожланишини та'минлаш учун ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишни ўзининг асосий ва энг муҳим вазифаси деб ҳисоблайди. Совет халқи мамлакатнинг ишлабчиқариш кучларини нечоғлик ривожлантирса, саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз шуқадар кўп маҳсулот беради, маҳсулотлар мўл-кўлчилигини вужудга келтиришдан иборат буюк вазифа шуқадар тез ҳал этилади ва мамлакатимизда коммунизмнинг ғалабаси та'минланади.

Халқлар тинчлиги ва хавфсизлигининг таянчи бўлган Совет социалистик давлатининг қудратини тинмай ошириш — мамлакатимизда коммунистик жамиятни муваффақиятли суратда барпо қилишнинг энг муҳим шартидир. Ишчилар синфи блан колхозчи деҳқонларнинг мустаҳкам иттифоқи, бутун совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлиги, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги — давлатимиз куч ва қудратининг негизидир.

Коммунистик партия ишчилар синфининг меҳнаткаш деҳқонлар блан мустаҳкам иттифоқини чиниқтирди, бу иттифоқни шундай ҳал қилучи кучга айлантирдики, бу куч Октябрь социалистик революциясининг ғалабасини, мамлакатимизда социализм қурилишини та'минлади. Ана шу улуғ куч коммунизм қурилишининг шонли йўлида янгидан-янги муваффақиятларга эришувимизни та'минлайди. Ишчилар блан деҳқонлар иттифоқини янада мустаҳкамлаш—мамлакатимизнинг барча меҳнаткашларини Коммунистик партия ва Совет ҳукумати теварагига янада маҳкам жипслаштиришнинг шарти, социалистик Ватанимизнинг куч ва қудратини мустаҳкамлашнинг асосидир.

(ОХИРИ ИККИНЧИ БЕТДА)

